

Отанинг оиладаги ислоҳоти



ОТАНИНГ ОИЛАДАГИ ИСЛОҲОТИ

09:00 / 17 февраль 2235

Фарзандим оила аъзоларимизнинг барчасига озор берибди. Онасини ғазаблантирибди, синглисини урибди, укасини эса сўкибди. Ишдан келсам, ҳаммалари ўғлимдан шикоят қилишди. Бечора ўғлим, ўзининг жазоланишини билиб, менга мўлтираб, маъюс нигоҳлари билан боқиб турарди. Уларнинг гапига кириб ўғлимни жазоламоқчи бўлдим, аммо унинг кўзларида маъюслик ва синиқликни кўрардим. Ўғлим оиланинг ҳамма аъзолари унга қарши эканини, ёқтирмасликларини сезарди. Шу пайт ўғлимни жазолашдан ўзимни тийиб, шикоят қилаётганларга эса: «Ҳали адабини бераман», деб қўйдим.

Орадан бироз вақт ўтиб, ўғлим билан намозга кетдик. Йўлда масжид томон юрар эканмиз, қўлимни унинг елкасига қўйдим. У мендан қўрқиб, ҳозир мени урадилар деб гумон қиларди. Мен унга қўрқма, сен яхши боласан, қайтиб бу ишни қилма деб таъкидладим. Ўғлим менинг бу муомаламдан ҳайрон бўлди. Уни кечиришимни кутмаган эди. Кечиришнинг ҳам ўзига яраша ҳаловати бор. Ўша пайт ўғлим олдимга келиб мени ўпиб олди ва: «Дада мен сизни яхши кўраман», деди. Биз ўғлим билан онасига ва укаларига қилган қўполлиги учун узр сўрашга келишиб олдик. Иккаламиз ўртани ислоҳ қилиш ҳақида ўйладик. Орадан бир неча кун ўтиб ўғлим билан онасини ва укаларини қандай хурсанд қилиш режасини тузиб чиқдик. Бечора ўғлим менинг бу муносабатимдан шундай хурсанд эдики, бунинг натижасида унинг одоби ижобий томонга ўзгара бошлади. Шу

аснода мен фарзандларимиз бирор ёмон иш қилсалар жазолашимизни, лекин уларга қандай қилиб яхшилик қилишни ўргатмаслигимизни кашф қилдим.

Нозимжон Ҳошимжон & Хуршид Маъруф тайёрлади

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.